

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

408 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2657-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 14 апрелдаги ПФ-4715-сон «Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 июндаги 153-сон «Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат пенсияларини таъинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 14 апрелдаги ПФ-4715-сон Фармони)ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 30 январдаги 6-сон буйруғи (рўйхат рақами 2657, 2015 йил 5 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 9-сон, 105-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 28 июль,
72-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2015 йил 28 июлдаги
72-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазири хузуридаги
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия,
нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 21-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«21. Ишламайдиган шахсга пенсия ва нафақа тўлови шакли мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги аризасига асосан аниқланади.

Ишламайдиган шахсларга пенсия ва нафақалар уларнинг доимий рўйхатдан ўтган жойи бўйича тўланади. Агарда шахс фақат вақтинча рўйхатдан ўтган бўлса (Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олинган бўлса), пенсия ва нафақа вақтинчалик рўйхатдан ўтишнинг (Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олишнинг) амал қиладиган муддати мобайнида тўланади. Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга пенсия яшаш гувоҳномаси амал қиладиган муддат давомида тўланади.

Вақтинча рўйхатдан ўтиш (Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида келган жойи бўйича ҳисобга олиш)нинг ёки яшаш учун рухсатноманинг амал қилиш муддатининг тугаши билан вақтинчалик рўйхатдан ўтиш (Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида келган жойи бўйича ҳисобга олиш)нинг ёки яшаш учун рухсатноманинг кейинги санаси ўртасида узилиш мавжуд бўлган тақдирда Пенсия жамғармаси бўлими томонидан пенсияни тўлаш вақтинчалик рўйхатдан ўтиш (Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида келган жойи бўйича ҳисобга олиш)нинг ёки яшаш учун рухсатноманинг янги санасидан бошлаб давом эттирилади. Бунда пенсияни тўлаш пенсия тўлаш тўхтатилган пайтдан, бироқ ўн икки ойдан ортиқ бўлмаган пайтдан бошлаб давом эттирилади.».

2. 10-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин.

3. 11-иловадаги «энг кам иш ҳақининг 18%и миқдорида олувчилар» деган сўзлар «энг кам иш ҳақининг 25%и миқдорида олувчилар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва «O`ZBEKISTON POCHTASI» AJ билан келишилган.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

2015 йил 28 июль

30 (686)-сон

— 77 —

408-модда

«O'ZBEKISTON POCHTASI» AJ
Бош директори

Р. ҚОСИМОВ

2015 йил 28 июль

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 10-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси _____ бўлими бўйича 20__ йилнинг _____ ойи учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан болаликдан ногиронлик нафақаси, ойлик компенсация тўловлари ва бола туғилганда бир марталик нафақа тўловига

ТАЛАБНОМА

1-варақ

Т/р	Худудлар номи	Жорий ойда олувчилар					Жорий ой учун жами талабнома
		болаликдан ногиронлик нафақаси	шундан	ойлик компенсация тўлови	шундан:	бола туғилганда бир марталик нафақа	
			аёллар		аёллар		
А	В	сони	сони	сони	сони	сони	миқдори
	Жами	1	1а	2	2а	3	4
		—	—	—	—	—	—

1-варақнинг давоми

Т/р	Худудлар номи	Шу жумладан:					бола туғилганда бир марталик нафақани етказиб бериш учун почта хизмати харажати
		болаликдан ногиронлик нафақаси	болаликдан ногиронлик нафақаси етказиб бериш почта хизмати харажати	ойлик компенсация тўлови	ойлик компенсация тўловини етказиб бериш почта хизмати харажати	бола туғилганда бир марталик нафақа	
А	В	5	6	7	8	9	10
	Жами	—	—	—	—	—	—

2-варақ											
Т/р	Худудлар номи	Болаликдан ногиронлик нафақаси		Шу жумладан:							
				почта алоқаси объектлари орқали тўлов		шундан:		омонат ҳисобварағи орқали тўлов		шундан:	
						ўтган вақт учун				ўтган вақт учун	
А	В	сони	миқдори	сони	миқдори	сони	миқдори	сони	миқдори	сони	миқдори
	Жами	11	12	13	14	13а	14а	15	16	15а	16а
		—	—	—	—	—	—	—	—	—	—

2-варақнинг давоми									
Т/р	Худудлар номи	Шу жумладан:						Болаликдан ногиронлик нафақасини етказиб бериш почта хизмати харажати	%
		банк пластик карточкалари орқали тўлов		шундан:		суд ижро ҳужжатлари асосида чегирмалар тўлови			
				ўтган вақт учун					
А	В	сони	миқдори	сони	миқдори	сони	миқдори	сони	
	Жами	17	18	17а	18а	19	20	21	—
		—	—	—	—	—	—	—	—

3-варақ

Т/р	Худудлар номи	Ойлик компенсация тўлови		Шу жумладан:							
				почта алоқаси объектлари орқали тўлов		шу жумладан:				энг кам иш ҳақининг 45%и миқдорида олувчилар	
						шундан:		ўтган вақт учун			
А	В	сони	миқдори	сони	миқдори	сони	миқдори	сони	миқдори	сони	миқдори
		22	23	24	25	26	27	26а	27а	28	29
	Жами	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—

3-варақнинг давоми

Т/р	Худудлар номи	Шу жумладан:											
		шу жумладан:				омонат ҳисобварағи орқали тўлов				шу жумладан:			
		шундан:		энг кам иш ҳақининг 25%и миқдорида олувчилар						шундан:		энг кам иш ҳақининг 50%и миқдорида олувчилар	
А	В	сони	миқдори	сони	миқдори	сони	миқдори	сони	миқдори	сони	миқдори	сони	миқдори
		28а	29а	30	31	30а	31а	32	33	34	35	34а	35а
	Жами	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—

3-варақнинг давоми

Т/р	Худудлар номи	Шу жумладан:							
		энг кам иш ҳақининг 45%и миқдорида олувчилар		шундан:		энг кам иш ҳақининг 25%и миқдорида олувчилар		шундан:	
				ўтган вақт учун				ўтган вақт учун	
А	В	сони	миқдори	сони	миқдори	сони	миқдори	сони	миқдори
		36	37	36а	37а	38	39	38а	39а
	Жами	—	—	—	—	—	—	—	—

4-варақ

т/р	Худудлар номи	Ойлик компенсация тўлови									
		банк пластик карточкалари орқали тўловлар		шу жумладан:							
				энг кам иш ҳақининг 50%и миқдорида олувчилар		шундан:		энг кам иш ҳақининг 45%и миқдорида олувчилар		шундан:	
сони	миқдори	сони	миқдори	сони	миқдори	сони	миқдори	сони	миқдори	сони	миқдори
A	B	40	41	42	43	42а	43а	44	45	44а	45а
	Жами	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—

4-варақнинг давоми

т/р	Худудлар номи	Ойлик компенсация тўлови				Ойлик компенсация тўлови учун почта хизмати харажатлари	Фоизда
		шу жумладан:					
		энг кам иш ҳақининг 25%и миқдорида олувчилар		шундан:			
сони	миқдори	сони	миқдори	миқдори	%		
A	B	46	47	46а	47а	48	%
	Жами	—	—	—	—	—	—

4-варақнинг давоми

Т/р	Худудлар номи	Бола туғилганда бир марталик нафақа	Шу жумладан:						Бола туғилганда бир марталик нафақани етказиб бериш почта хизмати харажати	Фоизда	
			почта алоқаси объекти орқали тўлов		омонат ҳисобварағи орқали тўлов		банк пластик карточкалар орқали тўлов				
			сони	миқдори	сони	миқдори	сони	миқдори			миқдори
A	B	49	50	51	52	53	54	55	56	57	%
	Жами	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—

5-варақ

Т/р	Худудлар номи	Ўтган ойда бўлган талаб					
		болаликдан ногиронлик нафақаси		ойлик компенсация тўловлари		бола туғилганда бир марталик нафақа	
А	В	сони	миқдори	сони	миқдори	сони	миқдори
				58	59	60	61
	Жами	—	—	—	—	—	—

5-варақнинг давоми

Т/р	Худудлар номи	Ўтган ойга нисбатан жорий ой талабномасининг ўсиши								
		болаликдан ногиронлик нафақаси		фоиз	ойлик компенсация тўлови		фоиз	бола туғилганда бир марталик нафақа		фоиз
А	В	сони	миқдори	%	сони	миқдори	%	сони	миқдори	%
					64	65			66	
	Жами	—	—	—	—	—	—	—	—	—

Комиссия раҳбари
М.Ў.
Комиссия аъзолари

_____	_____
(имзо)	(Ф.И.О.)
_____	_____
(имзо)	(Ф.И.О.)
_____	_____
(имзо)	(Ф.И.О.)
_____	_____
(имзо)	(Ф.И.О.)
_____	_____
(имзо)	(Ф.И.О.)»